



СУҒУРТА КОМПАНИЯЛАРИНИНГ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Носиров Жасур Турсунпулотович

Тошкент давлат иқтисодиёт университети "Солиқлар ва суғурта иши" кафедраси катта ўқитувчиси. Тошкент. Ўзбекистон.

grafijasur@gmail.com

<https://orcid.org/0000-0003-4988-6626>

DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol11_iss3/i3

Аннотация

Ушбу мақолада суғурта компанияларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш амалиёти тақомиллаштириш масалалари ёртилган. Шунингдек, суғурта фаолиятини ташкил этиш, суғурта бозорини ривожлантириш ҳамда суғурта компаниялари молиявий барқарорлигини таъминлашга доир масалалар хорижий иқтисодчи ва маҳаллий олимларнинг илмий-назарий қарашлари ёртилган. Бундан ташқари, суғурта компаниялари молиявий барқарорлиги турларининг таснифи ва суғурта компаниялари молиявий барқарорлигига таъсир этувчи омилларнинг таснифи келтирилган. Қолаверса, суғурта компанияларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш амалиёти тақомиллаштириш бўйича хулоса ва таклифлар берилган. **Калит сўзлар:** суғурта компаниялари, молиявий барқарорлик, суғурта фаолияти, барқарорликни таъминлаш, молиявий ресурслар, бозори инфратузилмаси.

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ПРАКТИКЫ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ФИНАНСОВОЙ УСТОЙЧИВОСТИ СТРАХОВЫХ КОМПАНИЙ

Носиров Жасур Турсунпулотович

Ташкентский государственный экономический университет Старший преподаватель Старший преподаватель кафедры «Налоги и страхование» Ташкентского государственного экономического университета. Ташкент. Узбекистан.

IMPROVING THE PRACTICE OF ENSURING THE FINANCIAL STABILITY OF INSURANCE COMPANIES

Nosirov Jasur Tursunpulotovich

Senior Lecturer at the Department of Taxes and Insurance, Tashkent State University of Economics. Tashkent. Uzbekistan.

Аннотация

В данной статье освещаются вопросы совершенствования практики обеспечения финансовой устойчивости страховых компаний. Также освещаются научно-теоретические взгляды зарубежных экономистов и отечественных ученых на вопросы, связанные с организацией страховой деятельности, развитием страхового рынка, обеспечением финансовой устойчивости страховых компаний. Кроме того, представлена классификация видов финансовой устойчивости страховых организаций и классификация факторов, влияющих на финансовую устойчивость страховых организаций. Кроме того, даны выводы и предложения

по совершенствованию практики обеспечения финансовой устойчивости страховых компаний.

Ключевые слова: страховые компании, финансовая устойчивость, страховая деятельность, обеспечение стабильности, финансовые ресурсы, рыночная инфраструктура.

Abstract

This article covers the issues of improving the practice of ensuring financial stability of insurance companies. Also, the scientific and theoretical views of foreign economists and local scientists on issues related to the organization of insurance activities, development of the insurance market, and ensuring the financial stability of insurance companies are covered. In addition, the classification of the types of financial stability of insurance companies and the classification of factors affecting the financial stability of insurance companies are presented. In addition, conclusions and suggestions on improving the practice of ensuring financial stability of insurance companies are given.

Keywords: insurance companies, financial stability, insurance activity, ensuring stability, financial resources, market infrastructure.

Кириш

Жаҳон амалиётида суғурта компанияларининг молиявий барқарорлиги, асосан, уларнинг тўловга қобиллиги ва суғурта захираларининг миқдори билан белгиланади. «Халқаро рейтинг компанияси (ACRA)»га кўра, 2007-2021 йилларда аҳоли турмуш фаровонлиги даражаси билан ЯИМнинг таркибида суғурта мукофотлари ўртасидаги боғлиқлик (Пирсон корреляцияси бўйича) коэффиценти 0,89ни ташкил этган. «Пандемия шароитида ривожланаётган давлатлар суғурта компаниялари кўпроқ зарар кўриш билан бирга, 2021 йилда суғурта мукофотлари улуши 3,6 фоизли пунктга пасайиши кутилмоқда». Бу эса, суғурта компанияларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш орқали кредиторлар ҳамда суғурталанувчилар олдидаги мажбуриятларни ўз вақтида бажаришда устувор аҳамият касб этмоқда ҳамда суғурта компаниялари олдида чекланган молиявий ресурслардан оқилона фойдаланиш орқали инвестицион имкониятларни оширишга оид қарорлар қабул қилиш зарурлигини кўрсатмоқда[1].

Хорижий мамлакатларда суғурта бозори инфратузилмасини ривожлантириш, суғурта компаниялари молиявий барқарорлигини илмий ёндашувлар ва эконометрик инструментлар ёрдамида таъминлаш, компаниялар самарадорлигини тармоқ ва соҳа хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ошириш борасида кенг қамровли тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бугунги кунда суғурта компаниялари фаолият самарадорлигини мултипликатив коэффицентлар орқали баҳолаш, молиявий барқарорликнинг миқдорий даражасини аниқлаш, молиявий барқарорликни таъминлашнинг халқаро стандартлар ва механизм асосида такомиллаштиришга қаратилган тадқиқотларни амалга ошириш долзарб бўлиб қолмоқда[2].

Мамлакатимизда иқтисодий тараққиётни таъминлашда суғурта компанияларининг аҳамиятини янада ошириш, уларнинг ЯИМдаги улушини босқичма-босқич ошириб бориш, қимматли қоғозлар бозоридаги иштирокини янада такомиллаштириш борасида «Суғурталовчи ва қайта суғурталовчининг инвестицион фаолияти» тўғрисида низомда белгиланган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, суғурта хизматларини диверсификациялаш ҳисобига замонавий суғурта хизматлари жорий этиш ва мазкур жараёнларда аҳолининг фаол иштирокини самарали ташкил этиш кабилар суғурта компаниялари молиявий барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистонда молия бозорини ривожлантиришда унинг асосий сегментларидан бири ҳисобланган суғурта бозори фаолиятини тизимли таҳлил қилиш ҳамда суғурта компаниялари молиявий

барқарорлигини таъминлашда хорижий илғор тажрибалардан самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Таъкидлаш лозимки, кейинги йилларда мамлакатимизда суғурта бозори фаолиятини комплекс ривожлантириш борасида самарали ишлар амалга ошириб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4412-сон Қарорининг қабул қилиниши, суғурта компаниялари фаолиятини инновацион ривожлантириш борасида туб ислохотларни амалга оширилишига замин яратди[3].

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили

Суғурта фаолиятини ташкил этиш, суғурта бозорини ривожлантириш ҳамда суғурта компаниялари молиявий барқарорлигини таъминлашга доир масалалар хорижий иқтисодчи олимлар С.Ритчер, Д.Рэш, М.Риккинен, П.Сарлин, А.Шарма, Д.Джади А.Архипов, Н.Петров, Е.Москалева, Л.Трофимова, Л.Цветкова, С.Куликов, Н.Никулина, С.Березина, Ю.Миронкина, Л.Иванова, Н.Аведисян, А.Гудковлар томонидан ўрганилган ва бу тадқиқотларнинг натижалари уларнинг асарлари ва илмий ишларида акс эттирилган[4,5,6].

Сўнги йилларда мамлакатимизда молия бозорини муҳим сегменти ҳисобланган суғурта бозори фаолиятини илмий-назарий муаммоларига доир кўплаб илмий тадқиқот ишлари амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, мамлакатимиз суғурта компаниялар фаолиятини самарали ташкил этиш ва молиявий барқарорлигини таъминлашга доир масалалар Х.М.Шеннаев, Қ.М.Қўлдошев, М.Х.Ходжаева, А.У.Бурханов, М.Т.Аскарлова, Т.М.Баймуратов, А.С.Нуруллаев, С.Х.Умаров, И.Х.Абдурахмонов, Х.М.Боев, О.Т.Юлдашев, И.Ф.Кенжаев, Г.Т.Халикулова, Г.Д.Адиловаларнинг илмий тадқиқот ишларида ўрганилган[7,8,9].

Таъкидлаш лозимки, юқорида келтирилган олимларнинг илмий тадқиқот ишларида суғурта фаолиятини ривожлантиришнинг илмий услубий муаммолари, алоҳида суғурта турларини ривожлантириш, суғурта ташкилотларини молиявий ресурсларини самарали жойлаштириш, алоҳида тармоқ суғурта ташкилотларининг фаолият механизмини такомиллаштиришга доир тадқиқотлар олиб борилган бўлсада, суғурта компаниялари молиявий барқарорлигини таъминлаш амалиётини такомиллаштириш мавзуси алоҳида комплекс тадқиқ этилмаган. Бу ҳолат эса, танланган мавзунинг долзарблигини англайди.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқот давомида тошкент вилояти иқтисодий фаол ва нофаол аҳоли бандлигидан самарали фойдаланишнинг статистик таҳлили мақсадида илмий-тадқиқот фаолияти олиб боришнинг мушоҳада, индукция ва дедукция, динамик қаторлар, анализ ва синтез, монографик тадқиқ этиш, тизимли таҳлил, таққослаш ва бошқа усуллардан фойдаланилди. Ушбу муаммонинг ҳозирги пайтдаги юқори ижтимоийиқтисодий аҳамияти ва ҳали етарли даражада ўрганилмаганлиги – ушбу тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Таҳлил ва натижалар

Суғурта компаниялари молиявий барқарорлигининг иқтисодий аҳамиятини тушунтиришда, компаниянинг ривожланиш циклининг алоҳида босқичларига эътибор қаратиш лозим. Чунки компаниялар иқтисодий ривожланиш циклининг хар бир босқичида молиявий барқарорликнинг “даражаси”га бўлган талаб алоҳида белгиланади. Фикримизча, суғурта компаниялари молиявий барқарорлик турларини алоҳида хусусиятлари бўйича таснифлаш мақсадга мувофиқ (1-жадвал). Биз томондан

таклиф этилаётган таснифий хусусиятлар суғурта компанияларига хос бўлсада, бироқ уларнинг бошқа муҳим жиҳатлари ҳам мавжуд. Мазкур жиҳатлар эса, компанияларнинг суғурта захиралари ҳажми ва молиявий ресурсларнинг миқдорига боғлиқ ҳолатда ўзгариб бориши назарда тутилмоқда. Иқтисодий ривожланишини циклик тавсифга эга эканлиги нуқтаи-назаридан молиявий барқарорликка таъриф берадиган бўлсак, молиявий барқарорлик – иқтисодий цикл ёки ривожланиш босқичи ўзгарганда, компаниянинг юқоридаги муддатлар давомида ўзининг молиявий ресурслар миқдори ва ҳажми ҳамда тўлов қобилиятини сақлаб қолиши тушунилади[10].


1-жадвал

Суғурта компаниялари молиявий барқарорлиги турларининг таснифи

№	Молиявий барқарорликни таснифлаш белгилари	Суғурта компаниялари молиявий барқарорлигининг турлари
1.	Молиявий барқарорлик даражаси бўйича	Абсолют
		Меъёрий (нормал)
		Нобарқарор (инқироздан олдинги ҳолат)
		Инқирозли вазият
2.	Таҳлил қилинадиган вақт оралиғи бўйича	Қисқа муддатли
		Ўрта муддатли
		Узоқ муддатли
3.	Молиявий барқарорликни баҳоловчи субъект бўйича	Ички (компания ишчи ходимлари, таъсисчилари ва ички аудит)
		Ташқи (компания контрагентлари, молия-кредит ташкилотлари, молиявий воситачилар, давлат органлари, рейтинг агентликлари, ташқи аудит, бошқа жисмоний ва юридик шахслар ва бошқалар)
4.	Компанияни ривожланиш босқичи бўйича	Суғурта бозорига кираётган босқичдаги молиявий барқарорлик
		Ўсиш босқичидаги молиявий барқарорлик
		Ривожланиш босқичидаги молиявий барқарорлик
		Пасайиш давридаги молиявий барқарорлик
5.	Иқтисодий ривожланиш циклининг босқичлари бўйича	Энг юқори ривожланиш шароитидаги молиявий барқарорлик
		Пасайиш шароитидаги молиявий барқарорлик
		Инқироз шароитидаги молиявий барқарорлик
		Инқироздан кейинги шароитдаги молиявий барқарорлик

Суғурта ташкилотининг молиявий барқарорлиги муаммосини тадқиқ этишга бағишланган адабиётлар таҳлили шунини аниқлашга имкон берадики, молиявий барқарорликнинг моҳиятини аниқлашда бошланғич нуқта бўлиб тўлов қобилияти – «суғурта компаниясининг қонун ёки шартнома билан асосланган пул мажбуриятларини ўз вақтида бажариш қобилияти» ҳисобланади.

Суғурта компаниялари молиявий барқарорлигини баҳоловчи асосий кўрсаткичлар ва коэффицентлар таҳлилининг ёритишдан аввал, молиявий барқарорликни баҳолашда унга таъсир этувчи омиллар ва уларнинг асосий жиҳатларини ёритиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Суғурта компаниялари молиявий барқарорлигига таъсир этувчи омилларни умумий ёндашувга мувофиқ ташқи (бошқариш имконияти мавжуд бўлмаган) ва ички (бошқариш имконияти мавжуд) омилларга ажратиш мумкин (1-расм) [11].



1-расм. Суғурта компаниялари молиявий барқарорлигига таъсир этувчи омилларнинг таснифи


Таъкидлаш лозимки, суғурта компаниялари молиявий барқарорлигига таъсир этувчи асосий ташқи омиллардан бири мамлакатдаги мазкур тизимни тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари ҳисобланади. Айнан суғурта бозори фаолиятини тартибга солишнинг ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларини муқаммал даражада ишлаб чиқилганлиги компанияларда стратегик лойиҳаларни амалга ошириш, оптимал қарорлар қабул қилиш, молиявий барқарорликка эришиш асосида самарали фаолият юритишини таъминлайди.

Бундан ташқари, суғурта компаниялари молиявий барқарорлигига таъсир этувчи асосий ички омиллар сифатида суғурта компанияларида корпоратив бошқарув механизмини самарали ташкил этилиши, суғурта турлари ва хизматларини диверсификациялаш имкониятлари, риск-менежментини тўғри ташкил этилиши, суғурта портфелини оптималлаштириш, суғурта захираларининг миқдори каби муҳим

омилларни келтириб ўтиш мумкин. Суғурта компаниялари молиявий барқарорлигига таъсир этувчи ташқи ва ички омилларнинг ҳар бири компания молиявий ҳолатига таъсири нуқтаи-назаридан алоҳида хусусиятга эга. Ташқи омилларни кўрадиган бўлсак булар суғурта компаниясининг ўзига боғлиқ бўлмайди, шунинг учун компания томонидан бундай омилларнинг таъсирини ўзгартириш имконияти мавжуд эмаслигини инобатга олиб, молиявий фаолиятини ташқи омилларга мос равишда мувофиқлаштириши лозим[12].

Ички омиллар эса суғурта компаниясининг молиявий фаолиятига боғлиқ, шунинг учун суғурта компанияси бевосита ушбу омилларга таъсир этиш орқали молиявий барқарорлигини таъминлаши мумкин бўлади. Таъкидлаш лозимки молиявий барқарорликка таъсир этувчи ташқи омил ҳам ички омиллар ҳам ўзига хос хусусиятларга эга ва алоҳида ёндашувни талаб қилсада, биз уларнинг айримлари бўйича тўхталиб ўтаемиз.

Халқаро амалиёт таҳлили натижаларидан келиб чиққан ҳолда, молиявий барқарорликни бошқаришнинг умумий тузилишини қуйидаги расм орқали ифодалашимиз мумкин (2-расм).



2-расм. Суғурта компаниялари молиявий барқарорлигини бошқаришнинг умумий тузилиши.

Суғурта компаниялари молиявий барқарорликни бошқариш қўйидаги асосий жараёнларни ўз ичига олиши лозим[13]:

- маълум даврлар оралиғида компания молиявий барқарорлигини таъминловчи асосий кўрсаткичларни режалаштириш;
- молиявий барқарорликни аниқловчи асосий параметрларни мониторинг қилиш;
- молиявий барқарорлик ҳолатини баҳолаш;
- молиявий барқарорликнинг белгиланган параметрларига эришишга қаратилган бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш.

Бошқарувнинг бундай ёндашуви, биринчи навбатда суғурта компаниялар молиявий барқарорлигини хар томонлама баҳолаш имкониятини берса, кейинги навбатда эса, молиявий барқарорликка эришиш мумкин бўладиган даврни аниқлаш имкониятини яратади ҳамда тезкор бошқарув қарорларини қабул қилиш учун керак бўлган хар қайси вақтда молиявий барқарорликни баҳолаш имкониятини беради[14]. Суғурта компаниясининг тўлов қобилиятини баҳолаш унинг ўзига тегишли бўлган ўз (мажбуриятлар билан боғлиқ бўлмаган) маблағларини баҳолаш орқали амалга оширилади.

Хулоса ва таклифлар

Суғурта компаниясининг молиявий барқарорлиги баҳолаш жараёнида суғурта захиралари миқдорининг етарлилик кўрсаткичидан ташқари ушбу захираларни узоқ муддатли истиқболда мажбуриятларни бажариш учун етарли бўлиш эҳтимоли кўрсаткичи билан тавсифланиши лозим. Табиийки, молиявий барқарорликни баҳолашда ушбу омилларни инobatга олиш лозим. Бошқача қилиб айтганда агар компанияларнинг суғурта захиралари миқдори нуқтаи-назаридан молиявий барқарорлик ҳолати қониқарсиз бўлса, компаниянинг банкротлик эҳтимоллиги шунча юқори бўлади.

Суғурта компанияларининг тўловга қобилиятлилиги дейилганда, суғурта қилдирувчи олдида шартнома ёки қонунчилик хужжатлари билан келишилган шартларга мувофиқ пулли мажбуриятларни ўз вақтида тўлиқ бажара олиш имконияти тушунилади. Суғурта компанияларининг тўловга қобиллигини аниқлашда унинг сектор ва тармоқ хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ёндашилади. Бундан ташқари молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ва халқаро амалиётда ушбу кўрсаткични алоҳида хусусиятлари ҳам мавжуд. Жумладан, Европа иттифоқи давлатларида қабул қилинган тартибга мувофиқ, суғурта компанияларининг тўловга қобиллиги, тўлов қобилияти бўйича белгиланган стандарт миқдор (меъёр) билан жорий ҳолатини таққослаш йўли билан баҳоланади. Умуман олганда, суғурта компаниясининг тўловга қобиллик даражаси, компания томонидан мажбуриятларини бажара олиш учун хусусий капиталнинг етарлилик миқдори қандай деган саволга жавоб бериши лозим.

Суғурта компаниялари молиявий барқарорлигини ифодаловчи яна бир муҳим кўрсаткичлар гуруҳи ликвидлилик коэффициентлари бўлиб, ликвидлилик коэффициенти суғурта компанияси томонидан ҳисобот йили мобайнида қисқа муддатли мажбуриятларини бажара олиш ҳамда кўрилган зарарлар ёки суғурта полислари бўйича тўловлар билан боғлиқ жорий харажатларни қоплай олиш имкониятини аниқлайди.

Суғурта компаниялари молиявий барқарорлигини таъминлашда қайта

суғурталаш механизми алоҳида ўрин эгаллайди ҳамда молиявий риск даражасини камайтиришда муҳим аҳамиятга эга. Қайта суғурталаш - ўз капитали ва суғурта захиралари миқдоридан қатъи назар, суғурта қилувчининг молиявий барқарорлигини ва нормал фаолиятини таъминлашнинг зарур омилидир. Қайта суғурталаш мувозанатли суғурта портфелини шакллантиришга ёрдам беради, зарарнинг ўзгарувчанлигини қоплаш, суғурта қилиш учун қабул қилинган хавфлар бўйича суғурта суммасини мослаштириш, хавфларни минималлаштириш имконини беради.

Молиявий таҳлил усули молиявий барқарорликни баҳолашдаги асосий усуллардан бири бўлсада, яқуний натижа бўйича хулосаларни шакллантиришда миллий ва халқаро амалиётда фойдаланиладиган моделлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Суғурта компаниясининг молиявий барқарорлигини ўрганиш доирасида молиявий таҳлил услубиятини ишлаб чиқишга қандай ёндашиш кераклиги алоҳида аниқлаб олиниши лозим. Молиявий барқарорликка бевосита алоқадор тоифаларни ажратиб олиш, кейинчалик маҳаллий ва хорижий муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган услубиятни таққослаш ва агар керак бўлса, уларни муаллифлик ишланмалари билан тўлдириш учун молиявий таҳлилнинг такомиллашган тажрибасини ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. ACRA (Analytical Credit Rating Agency)-халқаро кредит рейтингини таҳлил қилиш ва баҳолаш агентлиги.
2. Dwijendra, N. K. A., Jalil, A. T., Abed, A. M., Bashar, B. S., Al-Nussairi, A. K. J., Hammid, A. T., ... & Uktamov, K. F. (2022). Improving the transition capability of the low-voltage wind turbine in the sub-synchronous state using a fuzzy controller. *Clean Energy*, 6(4), 682-692.
3. Richter S.L., Resch D. (2021) Leadership in the Age of Artificial Intelligence- Exploring Links and Implications in Internationally Operating Insurance Companies. In: Dornberger R. (eds) *New Trends in Business Information Systems and Technology. Studies in Systems, Decision and Control*, vol 294.
4. Riikinen, M., Saarijärvi, H., Sarlin, P. and Lähteenmäki, I. (2018), “Using artificial intelligence to create value in insurance”, *International Journal of Bank Marketing*, Vol. 36 No. 6, pp.
5. Архипов А.П. Страхование: учебник / А.П. Архипов. - 3-е изд., стер. - М.: КНОРУС, 2016. - 336 с.
6. Петров, Н.В. Гражданско-правовое регулирование титульного страхования: автореферат дис... канд. юрид. наук: - Волгоград, 2011. - 32 с.
7. Б. ц. Москалева Е.Г. Методические подходы к проведению факторного анализа финансового результата деятельности страховой компании//*Финансы и кредит*. 2013. № 40.
8. Шеннаев Х.М. Ўзбекистон суғурта бозори. - Т.: Иқтисод-молия, 2013.
9. Қўлдошев Қамариддин Мансурович Ўзбекистонда ўзаро суғурталашнинг методологик асосларини такомиллаштириш. и.ф.д. (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати, Т.: ТМИ, 2020. 36 б.

10. Уктамов, Х. Ф. "Корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлик тизимини ташкил этишнинг назарий асослари "Ўзбекистон иқтисодиётининг инноватсион ривожланиши доирасида ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солишнинг долзарб муаммолари" мавзусида республика илмий-назарий конференцияси 2017 йил 14-декабр, Тошкент ш." Тошкент давлат иқтисодиёт университети (2017).

11. Baratova, D., Khasanov, K., Musakhonzoda, I., Abdumuratov, S., & Uktamov, K. (2021). The impact of the coronavirus pandemic on the insurance market of Uzbekistan and ways to develop funded life insurance. In E3S Web of Conferences (Vol. 296, p. 06028). EDP Sciences.

12. Tukhtabaev, J., Razakova, B., & Uktamov, H. (2020). The role of the digital economy in ensuring the economic security of the country. Scienceproblems. uz, 1 (1), 7-7.

13. Baratova, D. A., Khasanov, K. N., Musakhonzoda, I. S. O., Tukhtarova, M. Y. Q., & Uktamov, K. F. (2021). Econometric Assessment of Factors Affecting the Development of Life Insurance in Uzbekistan. REVISTA GEINTEC-GESTAO INOVACAO E TECNOLOGIAS, 11(2), 1123-1138.

14. Akbarovich Yadgarov, A., Khotamov, I., Fakhriddinovich Uktamov, K., Fazliddinovich Mahmudov, M., Turgunovich Yuldashev, G., & Ravshanbek Dushamboevich, N. (2021). Prospects for the Development of Agricultural Insurance System. Alinteri Journal of Agriculture Sciences, 36(1), 602-608.